

ТОШКЕНТ

ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 216 (6. 107)

© 1986 йил 19 сентябрь, жума

Баҳоси 3 тийин



ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА СИФАТ— БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ



«Компрессор» заводида тайёрланган маҳсулотлар фақат мамлакатимиздагина эмас, балки чет эллардаги корхона ва ташкилотларга жўнатилади. Улар чидамли ва пухта ишланганлиги билан манзур бўлмоқда. Қўраччи Ш. Илёсов ишлаб чиқа-

риш илғорларидан биридир. У тайёр маҳсулотларни белгиланган адресларга ўз вақтида жўнатишга жонбозлик кўрсатиб ишламоқда. **СУРАТДА:** Ш. Илёсов компрессорларни жўнатмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

КОММУНИСТЛАР ИБРАТИ

Қирқувчи Р. Шокировни бутун коллектив жуда ҳурмат қилади. Негаки, у қандай топшириқ бўлмасин, ҳақдор ва виждонан бажаришга интилади. Бир беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажариш учун курашапти. Ҳозир эса унинг шахсий ҳисобиди йил якуни бўлиб қолган. 30 дан зиёд коммунист унинг ўзларига етакчи қилиб сайлашган. В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводида бундай ўз ишига меҳр қўй-

ган, бошқаларга намуна бўлаётган коммунистлар оз эмас. Нина Качурина, Қарим Абдурахмонов ва бошқалар ҳам коллектив ўртасида муносиб обрў-этибор қозонишган. Шу кунларда улар ҳар бир партия группасида ижодкорлик, принципал талабчанлик ва ўз-ўзини танқид муҳитини қарор топтиришга, ўз олдларига қўйилган вазифаларни ҳал этишнинг янги таъсирчан йўллари изламоқдалар.

Муҳим вазифалар асосида

«Ташсельмаш» заводи партия гуруҳларида ҳисоб-саноот йилликларига ўзаро талабчанлик, камчилик ва нуқсонларга муроасанилик ва уни тезроқ бартараф этиш йўллари қидириб топилмоқда. Илгирги йиллар мобайнида билдирилган барча танқидий мулоҳаза ва таклифларни тезроқ амалга ошириш корхона партия комитетининг диққат-этиборида турибди.

— Коммунистлардан А. Маҳмудов, В. Сергеев, С. Стерликов ва бошқалар етакчилик қилаётган партия гуруҳлари ўз ишларини ҳисоб-саноотларда билдирилган мулоҳаза ва таклифлар

асосида янада жонлангичликни янада янада кўрмоқдалар. Деярли корхона партия комитети секретариининг ўринбосари С. Носов, — бошқа партия гуруҳларига нисбатан уларда иш бирмунча дуруст борапти. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси асосида мурожаатни авв олдиришга ҳаракат қилишяпти.

Ўзаро социалистик мусобақани кенг қўл очиб беришга, беш йилликнинг тўнғич йили вазифаларини бажаришга меҳнат коллективларини руҳлантиришда корхонанинг кўпчилиги коммунистлари фаоллик кўрсатишяпти.

Тошкент— Чернобилга

ЎҚИТУВЧИЛАР ҲИММАТИ

Пойтахтимизнинг Октябрь район маорифчилари украинликлар бошига тушган фалокатни тезроқ бартараф этиш ишларига ўзларининг тинимсиз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Райондаги 38, 41, 115, 157 ва 169-мактабларнинг педагогик коллективлари бу олижаноб ишда жонкуярлик қилишяпти.

Маорифчилар бир кунлик меҳнат ҳақларини Чернобилга ёрдамга, 904-счётга ўтказиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Улар ташаббусига қўшилган қўллар педагоглар бугунга қадар 24 минг сўм пул жамғариб, уни ёрдам фондида ўтказдилар.

М. РАҲМОНОВ.

ХАЛҚ

ДУРДОНАЛАРИНИ

ИЗЛАБ

Бир гуруҳ ўзбек фольклоршунос, этнограф, китобшунос олимлар яқинда Туркистон фольклор этнографик экспедициясида бўлиб қайтишди. Экспедициянинг Тошкент Давлат маданият институтини ташкил этган бўлиб, унга профессор Малик Муродов бошчилигидаги ўзбекистонлик фольклоршунослардан маданият институти доценти Р. Жаалов, катта ўқитувчилар А. Сапаров, М. Исҳоқов, туркманистонлик ёзувчи, олим Қўраччи Жўрамазаров ва бошқалар иштирок этишди.

Фидойи фольклоршунослар фольклор этнографик экспедицияси аъзолари Туркистон, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон АССРнинг Илоили, Тошкент, Хива, Шовот, Нукус каби районлари ва областларида ишловчи фольклор ижодкорлари ҳамда ижодкорларнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини қўл ҳамда магнитофон ленталарига ёзиб олдилар. Тошкентлик этнограф Н. Каримов, машҳур халқ достончи Бола баҳши каби оғзаки сўз санъати вакиллари билан эрталаб, ёзма қўшиқлар, эртаклар, ёзма қўшиқлар, эртаклар ёзиб олдилар. Бундан ташқари лирик қўшиқлар, қадимги ёдронлиқлар, тепалар, сойлар билан боғлиқ афсоналар, ривоятлар, балалар фольклорига оид материаллар ҳам ёзиб олдилар.

Хивадаги «Достон», Шовотдаги «Авазхон» каби фольклор этнографик халқ ансамбллари, репертуарларидаги қўшиқлар, халқ рақслари ҳам ўрганилди.

Ш. НОРҚУЛОВА.

Замондошимиз



АВТОМОБИЛСОЗ

Мамлакатимиз машинасозлари кейинги йилларда яратган КамАЗ юк машинаси бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам синовдан ўтиб, мутахассисларга манзур бўлди. Бу машиналар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида катта самара келтирмоқда. Республикаимизда ҳам КамАЗ муваффақият билан ишлатилмоқда. Бунда Тошкентда жойлашган КамАЗ заводининг республика автомобилсозлиги ҳақиқи равишда ҳиссаси каттадир. Чунки, бу ерда мазкур машиналар шу ернинг ўзида сифатли қилиб солинган, зарур эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Автомобил оилик ва йиллик топшириқларини олтириш билан урдаб келмоқда. Ишончли юксак омилкорлик асосида ташкил этилган бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ҳозирги пайтда барча жабҳаларда қайта қуриш ишлари қизғин тусда амалга оширилмоқда. КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида бошланган бу муҳим аҳамиятга моллик иш мана ўзининг дастлабки нишонларини бермоқда. Бу кун-кеча КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Краснодар ўлкасида меҳнаткашлар билан бўлган учрашувида ҳам таъкидланмоқда, — дейди автомобилсознинг моҳир слесари Р. Шарафутдинов.

Дарҳақиқат, иш жойларида қўшимча меҳнат резервларини топиб, ундан самарали фойдаланиш ўстида мунозам ишлар олиб боришмоқда. Бу камазчиларнинг меҳнат кўрсаткичларида ҳам акс этмоқда. Улар кундалик топшириқларини 2—3 ҳиссага етказиб адо этмоқдалар.

Сиз суратда қўриб турган пешкадам слесарь Р. Шарафутдинов ўзаро социалистик мусобақада пешкаданилик қилаётган ишчилардан. У кундалик топшириқларини олтириш билан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда. Пешкадам ишчи КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида ишқоланган, ўн иккинчи беш йилликнинг тўнғич йили топшириқларини ўлдириб Оқтиёғи социалистик революциясининг шонли санаси ишқоланган кунга бажаришга азму-қарор қилган. Илгир слесарь ўз зиммасига олган мажбуриятини муддатда бажариш учун астойдил тер тўкмоқда.

Л. Глауберзон фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● «Иш сўратини оширайлик, ташаббус билан ҳаракат қилайлик» сарлавҳаси остида ўртоқ М. С. Горбачевнинг Краснодар ўлкасида бўлиши ҳақида ҳисобот эълон қилинган.

Маданият янгилликлари

РАССОМ ҚАҲРАМОНЛАРИ— КИНОАКТЁРЛАР

Таниқли рассом, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рўзи Чориев, ижодда портрет жанрини икром қилганда унинг тўғрида. Унинг номини мўйқалам ёрдамида замондошларимизнинг образларини ҳам маҳорат билан тасвирланмоқда.

Ҳозир рассом янги туркум асарлар устида қизғин иш олиб бормоқда. Бу сафар мўйқалам устаси истеъдодли киноактёрлар портретларини чизишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Бунинг учун

«Ўзбекфильм» студияси томонидан суратга олинаётган «Бўри» бадиий фильми бош қаҳрамонлари ролларини икром этгаётган санъаткорлар тасвир объекти этиб танланди.

«Ўзбекфильм» ҳузуридаги киноактёрлар студия ижодкорларидан Б. Бакирова, А. Адолтаева ва бошқалар портретлари бевосита чизилди. Бу асарлар атоқли рассомнинг яқинда Москвада очилган шашхсий кўргазмасидан муносиб ўрин олади.

А. АЛИЕВ.

ГАСТРОЛЬ ТАРАДДУДИ

Тошкент Давлат рус ёш томошбинлар театри ўзининг янги мавсумини катта тайёргарлик билан бошлаб юборди. Актёрлар томошбонлар кўрсатиладиган драматург А. Володиннинг «Калтасек» деган асарини томошбинлар илиқ кутиб олдилар.

Ижодий коллектив янги спектакллари саҳналаштириш билан бирга ёш томошбинларга намунали маданий хизмат кўрсата бошлади. Улар шаҳримиздаги пионер ва ўқувчилар саройларида, мактабларда бўлиб, энг яхши постановкаларини намойиш қилмоқдалар.

Октябрь ойида эса театр гастрольга йўл олади. Қарағанда ўтказилаётган ижодий сафар вақтида унга яқин спектаклни кўрсатиш планлаштирилди.

Шу сана муносабати билан ташкил этилган юбилей кўргазмасига бу картиналар ҳам қўйилди.

С. ОДИЛОВА.

ОРКЕСТРНИНГ ҚОЗОҒИСТОН САФАРИ

Тўтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат халқ чоғу асбоблари оркестри яқинда Қозоғистон бўйлаб ижодий сафарга бўлди. Гастроль давомида ўзбек санъаткорлари Чимкент, Жамбул ва Олмаотда концертлар бердилар. Ўзбек санъаткорлари қозоқ совет композиторларининг хилма-хил жанрда ёзилган куй ва қўшиқларини ҳам ижро этиш-

ди. Қ. Қурманғозининг «Олтин чўла», К. Кулибековнинг «Фаробий сози», И. Жанановнинг «Жамилан ханда Л. Хамидийнинг «Қозоқ вальси» каби қўшиқларини томошбинлар кизқиш билан тингладилар. Ўзбек совет композитори Тўлқин Қурбоннинг Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган «Қўшчино» увертюраси тинг-

ловчиларга манзур бўлди. Оркестр бош дирижёри ва бадиий раҳбари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фарух Содиков ҳамда Мухтор Ашрафий номи Тошкент Давлат консерваториясининг доцентлик вазифасини бажарувчиси Феруза Абдурахимова-лар дирижёрлик қилдилар.

Ҳ. ИБРОХИМОВ.

Меҳнат ҳамкорлиги қирралари

ОТАЛИҚДАГИ КОРХОНАДА

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ЧЕВАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Яқинда «Тошкент оқишми» ва «Вечерний Тошкент» газеталари редакцияси журналистлари Ўзбекистон ССР маҳаллий санъат министрлигига қарашли «Чевар» тизимининг ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективни меҳмон бўлдилар. Илгари хабар қилганимиздек, август ойи бошида «Оқиш» редакцияси чеварлар делегацияси ташриф буюришган эди. Ҳар икки коллектив вакиллари ижодий ҳамкорлик, олдидида турган

масалаларини ҳал этишда ўзаро қўмаклашиш тўғрисида шартнома имзолашган. Эндиликда журналистлар жавоб визити билан бордилар.

Бирлашмада «Думалоқ стол» атрофида катта гурун бўлди. Бу учрашувада ўзаро ҳамкорлик ҳусусида сўз борди. Ана шу ҳақда газетамизнинг иккинчи саҳифасида ўқишингиз мумкин.



ЯНГИ МОДЕЛДАГИ БУЮМЛАР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номи тизувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини бу йил маҳсулотининг умумий ҳажмида 40 процент буюмини «Н» (Янглик) индекс билан ишлаб чиқаришга ваъда берган. Саккиз ойлик натижалари чеварлар ўз ваъдаларига вафо қилаётганлигини кўрсатапти. Бу муддатда пландаги 14 миллион 780 минг сўмлик ўрнига 21 миллион 579 минг сўмлик маҳсулот «Н»

индекс билан тайёрланди. Бу йиллик топшириқнинг қарийб 90 процентини ташкил этади.

Бирлашма моделчилари кийимларнинг янги моделларини яратишда республикамизда ва иттифоқимизда деярли ҳама корхоналар, моделлар уйлари билан мустақам алоқада ишламоқдалар. Бундан ташқари улар мамлакатимизда ва чет элларда нашр этиладиган мода журналлари тавсияларидан

дан ҳам самарали фойдаланишяпти.

Цехларда янги ишлаб чиқаришга қўйилган янги моделлардаги кийимларни тажрибали, зиммасидаги вазифага масъулият билан қарайдиган ишчилар меҳнат қилаётган бригада коллективларига ишониб топширилди.

Ҳозир бирлашмада турган сифат потогни мавжуд. Шулардан бири Б. Саидов бошлиқ 4-цехдир. Бу ер-

даги потокда эркаклар учун жилетлар тикилади. 12 кишидан иборат чеварлар бригадаси маҳсулотининг 95 процентдан олтигини биринчи тақдидида ва аъло сифатда тайёрлашяпти. Поток ишчиларига юксак сифатли буюмлар тайёрлаганликлари учун ҳар ойда иш ҳақининг 13 проценти миқдоридида мукофот пули берилади.

Бу йил бирлашмада жами 23 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот «Н» индекс билан тайёрланади.

Шаҳар—қишлоққа

ПАХТАКОРГА МАДАДКОР

Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари кўп йиллардан буйон Оқ олтин райони ҳўжаликларига оталик ёрдами кўрсатиб келишмоқда. Улар техника, автотранспорт ремонтда мададкор бўлишмоқда. Ай-

ни пайтда оталиқдаги районнинг кўпгина ҳўжаликларида «Миконд» заводининг слесарь ва пайвандчиларидан иборат бригадалари пахтакорларга яқиндан қўмак беришмоқда. Бригадаларга Ф. Мирюсов,

Э. Шайдуллин, Н. Чупрингилар бошчилиги қилишмоқда. Шунингдек, ҳўжаликларда 16 та автотранспорт воситаси иш олиб бормоқда.

Дурадгорлик буюмлари заводидан В. Хабибулина ва А.

Собиров, агрегат заводидан В. Гарифуллин ва Х. Тўйгунов қишлоқ механизаторларига оталик ёрдами кўрсатишмоқда. Бундан ташқари эҳтиёт қисмлар ва бошқа зарур материаллар етказиб беришмоқда.

ФЕСТИВАЛНИНГ БОШ МАВЗУИ

лар, деган фикр ҳақимдан ўтади, — дейди Тошкент медицина институтини битирган Зиёғул Ваҳдат. — Шунинг учун ҳам тинчликни сақлаш мавзуси анжуманимизда асосий мавзу қилиб олинди. Ҳамма учрашувлар, митинглар, мунозараларда шу гап.

Самарқандда фестивал қатнашчилари ўрта аср меъморчилигининг ёдронликлари билан танишадилар, пахтакорлар ҳузурида меҳмон бўладилар, профессионал маҳорат конкурсларида қатнашадилар.

(ЎзТАГ муҳбири).



СУРАТДА: фестиваль қатнашчилари.

А. Кошкин ва А. Илёсов фотоси (ЎзТАГ).

СПАРТАКИАДА КУНДАЛИГИ

очилди. Биринчи марта август 10 минг метр масофага ўтказилган мусобақада беллашдилар. Стартга турли республикаларнинг вакиллари бўлган 17 спортчи чиқди. Масофа 34 минут 6,32 секундда босиб ўтган РСФСР терма командасининг аъзоси, Иркутский спортчи Ольга Дурикина Спартакиада чемпиони

уновини қўлга киритди. Унинг командадoshi Надежда Ильина кумуш, ленинградлик спортчи Инна Пушкарёва бронза совриндорли бўлди.

400 метр масофага тўсиқлар оша югуриш баҳслари ленинградлик Маргарита Хромованинг ғалабаси билан аяланди. Маррага иккинчи бўлиб келган Украина терма коман-

дасининг аъзоси Марина Середина 54,38 секунд натижа кўрсатди. РСФСР терма командасининг аъзоси Елена Гончаровага бронза медали топширилди.

Эриқлар ўртасида 400 метр масофага ўтказилган баҳслар Белоруссия терма командасининг аъзоси Владимир Будковнинг ғалабаси билан аяланди.

У масофага 48,71 секундда босиб ўтди. Иккинчи ўринга эса Тожикистон терма командасининг аъзоси Николай Ильченко кўтарилди. Белоруссиялик спортчи Сергей Добровольский учинчи ўринни эгаллади.

Лангарўнда баландликка сакраш секторига тўпланган мухлислар ниҳоятда ҳаяжонланишди. Гапинг моҳияти шундаки, бу ерда республикамиз вакиллари Родион Гатаулин ва Валерий Ишутин қатнашши керак эди. Улар баҳсини 5 метр 60 сантиметр маррадан бошлашди. Афсуски, Валерий Ишутин уч уринишда ҳам маррани забт этолмади. Тасодифий қарағини, Родион Гатаулин ҳам фақат учинчи ўринишдагина ана шу маррани забт этди. Кейин у таъқибни 5 метр 75 сантиметр белгига қўйишни илтимос қилди.

Биринчи ўринишдаёқ уни забт этди. Спартакиада чемпиони Родион Гатаулин натижани янада яхшилашга ҳаракат қилди. 5 метр 90 сантиметр белгидан ўтишга уч марта уриниб қўрди. Лекин ундан ўтолмади. Москвалик Евгений Бондаренко 5 метр 60 сантиметр натижа билан кумуш, молдавлялик Александр Жуков 5 метр 50 сантиметр натижа билан бронза медали соҳиби бўлди.

Ядро улоқтиришда Грузия терма командасининг аъзоси Т. Бицадзе энг яхши натижа кўрсатиб, чемпион уновини қўлга киритди. Москвалик Владимир Яришкин иккинчи, украинлик Михаил Кулиш учинчи ўринни эгаллади.

Аёллар ўртасида 400 метр масофага ўтказилган баҳслар Украина терма командасининг тўла устунилигида аяланди. Ольга Владимировна олтин, Инна Евсеевага кумуш, Маргарита Юрченкога спартакиаданинг бронза медали топширилди.



СССР халқлари спартакиада тариҳида янги саҳифа



Янги мактаблар қурилмоқда

Биз ақилда Луначарское шоссесининг Жанубий томонидagi микрорайонга кўчиб келдик. Келгуси йили мактабга борадиган фарзандларимизни музика мактабига бермоқчи эдик. Бироқ бу ерда музика мактаби йўқ экан. Бизнинг микрорайонда шундай мактаб қурилиши кўзда тутилганми?

Л. СОБИРОВА, ишчи.

Р. ДАВИДОВ,

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси 159-қурилиш трестининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи.

— Газетхон Л. Собирова музика мактаби хусусида хотиржам бўлиши мумкин. Луначарское шоссесининг Жанубий томонидagi микрорайонда 300 ўринли музика мактаби қурилиши бошлаб юборилди. Ҳозир бино пойдевори учун хандақ қазил-

рал Петров кўчасида 1586 ўринли мактаб ва Сергели районда 600 ўринли ўқув-ишлаб чиқариш комбинати биносини қуришляпти. Янги Жарариқ микрорайонидagi мактабни 9-қурилиш бошқармасининг азаматлари бунёд этишляпти. Шу бошқарма ишчилари Қорасув — 6 микрорайонидagi ўттиз синфдан ibорат бўлувчи янги мактаб биносини ҳам қуришляпти.

Шунингдек, Қўйлиқ — 3, Қўйлиқ — 5 массивларида ҳам мактаблар қурилиши олиб бориляпти. Чилонзор массивининг «Д—20» микрорайони, Юнусобод массивининг «СВ—3» кварталда да қуриляётган мактабларни ҳам келгуси йил сентябрь ойида фойдаланишга топшириш кўзда тутилляпти.



«Она-Еримизда тинчлик бўлсин!»

Қонунга мувофиқ бўлсин

Редакциямизга газетхонлар М. Турғунов, А. В. Сичев мурожаат қилишиб, Совет Армияси сафидан бўшагандан сўнг ишга кирган ҳодимларга отпусқа бериш тартибини қандай бўлишини тушунтириб беришни сўраганлар.

Газетхон М. Эштовес эса ҳодим бегоблигида корхона маъмуриятининг ташаббуси билан уни ишдан бўшатилиш мумкинлиги, деб сўрабди. Маъмуриятнинг ишдан бўшатилишга розилик бериш ҳақидаги йатимоси қараб чиқилган касбага соҳиб маълумига М. Эштовес таъкид этилган экан. Қўйда шу яқин саволга жавоблар берилади.

В. КУРНИКОВ,

Тошкент область касабга союзлари Совети меҳнат ҳуқуқи инспекцияси мудири.

1. Мавжуд меҳнат қонунчилигида мувофиқ соҳиб ҳарбий хизматчиларга, шу жумладан СССР Ҳарбий кучларида хизмат қилиб, армия сафида хизмат қилганга қадар меҳнат қилган корхонаси, муассасаси ёки ташкилотига ишга қайтган ҳарбий хизматчиларга меҳнат отпускиси умумий асосда берилади. Яъни биринчи меҳнат йилида ун бир ой ўтгандан кейин, кейинги йилларда эса отпусқа графитига мувофиқ берилади.

Бу қоидадан заҳиса бўшатишдан ҳарбий хизматчилар ва ишчиларни ишга ташкилий жалб этиш тарти-

би бўйича (меҳнат шартномалари тузиш асосида ва комсомол ташкилотларининг йўлланмаси билан ишга жўнатилган ҳарбий хизматчилар мустаснодир). Буларга мазкур корхонада қурилиш-монтаж ташкилотига ишлай бошлагандан сўнг уч ой ўтгач, отпусқа дастлабки меҳнат йилига аванс тариқасида берилади.

2. М. Эштовеннинг саволига шунин айтиш мумкин, «Узбекистон ССРнинг Меҳнат ҳақидаги қонуни» Кодексининг 41-моддасида мувофиқ ҳодимни вақтинчалик ишга яроқсизлиги пайтида, шунингдек отпусқа

СССР Касаба союзлари Уставининг иккинчи, олтинчи моддаларига мувофиқ касбага соҳиб комитети касбага соҳиб ҳодимнинг фойдалиги ва ҳуқуқи билан боғлиқ ҳар қандай масалани (шу жумладан, маъмурият ташаббуси бўйича унинг ишдан бўшатилишига розилик бериш масаласини ҳам) касбага соҳиб ҳодимни мажлисга таъкид этилган ҳал этиш ҳуқуқида эга эмас.

М. Эштовес билан ўз берган ҳодиса ҳуқуқ инспекцияси томонидан текширилди. Унинг мактубига асосан М. Эштовесни ишдан бўшатиш ҳақидаги бўйруқ бекор қилинди.

«Тошкент оқшомига» жавоб берадилар

«Врач муомаласидан ранжиганлар»

«Тошкент оқшомига» газетасининг 1986 йил 19 июнь сониде юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада шахримиздаги бир қатор медицина муассасаларида аҳолига медицина ёрдами кўрсатишдаги камчиликлар, врачларнинг беморларга эътиборсизлиги ва кўпол муомаласи танқид қилинган эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармасидан олин-

ган жавобда айтилишича, Акмал Икромов районидagi кўп профилли касалхона қават-ларда ҳашарот ва суваракларга қарши дезинфекциялаш бўйича кўшма тадбирлар амалга оширилган. Чилонзор районидagi 8-поликлиника, Октябрь районидagi 1-шаҳар бирлашган болалар касалхонаси маъмуриятга беморларга медицина хизмати кўрсатишдаги нуқсонлар кўрсатиш ўрнида даволаш жараянларининг сифати юзасидан назоратни кўчатиш таъкид этилди.



СУРАТДА: Чилонзор районининг «Москва» маҳалласидаги қуриб бошланган жамоатчилик биносининг бугунги аяқли ташландиқ аҳоли.

Т. ТОВШЕВ.

«Оқшом»га хатлар

Сансалорлик оқибати

Мен 2-Қорақамиз массивининг 5-микрорайонидagi 17-уйнинг 33-квартирасида икки фарзандим билан истиқомат қиламан. Бизга хизмат кўрсатувчи 4-ЖЭУга боравери бмлар чарчадим. Ванна билан санитария узели тепасидан жуда кўп сув оқиб тушиб, бизни безовта қилипти. ЖЭУдагилар эса «Эрта борамиз»дан нарига ўтишмаёттир.

Р. ҚОСИМОВА, хизматчи.

Мана беш ойдики, Акмал Икромов районидagi 23-квартирадаги 9, 10-уйларни капитал ремонт қилишляпти. Бу капитал ремонт талабга жавоб берадими? Мутлақо жавоб бермайди. Ремонтчилар уйимиздаги ишларни талаб-чўла бажаришиб, жуфтаник ростлаб қилишляпти. Бунақа сифатсиз ремонт кимга керак?

С. ҚОДИРОВА, уй бекаси.

Ун бир йилдики, «Марказ—27» кварталдаги 7-уйда истиқомат қиламиз. «Айтсам тилим, айтмасам дилим қуяди» деганларидек ЖЭУдагилар аҳолига ҳеч қандай ёрдам беришляпти. Уйимиздаги батареялардан қишда совуқ сув келади, ёзда эса иссиқ сув. Бу камчиликларни бартараф қилиб бериш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Ҳозир ҳам батареяларимиз иссиқ, қўлни қуйдиради.

М. ТУРСУНОВА, Қ. АБДУЛЛАЕВА, В. БУРИНИН, хизматчилар.

ЖЭУ бошлиғи ўзгаргани билан нш ўзгармаляпти. Бунга мисол тариқасида Собир Раҳимов районидagi 39-уй-жойлардан фойдаланиш участкаси бошлиғининг ўзгарганини кўрсатишимиз мумкин. Биз янги бошлиқда 25, 26, 27, 28-коттежларнинг тоидан чакка таътиланлиги ҳақида шикоят қилиб, иссиқ сув йўқлиги, уйимизнинг деворлари шўралаб тушиб кетаётганлигини айтган эдик. «Бориб кўришадими» деди. Мана бир ойдан ошдики, ҳалигача келиб кўришадими.

Т. КОМИЛОВ, жами 10 ймзо.

Юнусобод массивидаги 6-кварталга жойлашган 7-уйнинг қурилишига ун беш йилдан ошди. Бугунги кўнда ана шу уйнинг ерталасидаги қурувлар чириб, суғилар отилиб ётибди. Бу ҳақда бизга хизмат кўрсатувчи 41-ЖЭУдагилар беҳабар дейсизми? Йўқ, хабардор. Аҳоли ерталасидаги камчиликларни бартараф қилиб, қурувларни алмаштириш кераклигини ҳақида ўтган йилдан бери қатнашадим. Аммо ЖЭУ хизматчилари аҳоли шикоятига бераф қараб келишмякда.

М. САФАРОВ, хизматчи.

«Тошкент оқшомига»да босилган мақолаларга яна қайтамыз

Бино қачон битади?

«Тошкент оқшомига» газетасининг 1985 йил 19 июль сониде «Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоб беради» рубрикаси остида эълон қилинган мақолада Чилонзор районидagi «Москва» маҳалласида жамоат тадбирлари ўтказиладиган бино қурилишини тезлаштириш ҳақида сўз борган эди. Оравдан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Аммо ҳамон объект ўлда-жўлда ётибди.

Маҳалла активлари бир неча бор редакцияга мурожаат қилишган, жамоатчи фотомухбиримиз объектда бўлиб, эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу суратни олиб қайтди. Ташландиқ қурилиш. Аяқли аҳоли! Шундай эмасми?

Маълумки, Чилонзор районининг «Москва» маҳалласида бундан 6 йил муқаддам жамоатчилик биноси пойдевори-га дастлабки гишт қўйилган эди. Тошкент шаҳар Совети

ижроия комитетининг қарорига биноан объект қурилиши учун 39 минг сўм пул маблағи ажратилди. Аммо Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш ишлари бошқармасининг 4-ремонт-қурилиш бошқармаси курувчилари номига 4—5 минг сўмлик иш бажаришган бўлишди-ю, кўздан гоийб бўлишди. Мана шундан буюн бино «қўйи»лигига «горга» айланиб ётибди. Ҳадемай, ёгин-сочин бошланади. Шунча

меҳнат бекорга кетиши турган гап. «Москва» маҳалласи активлари эса тўрт томонга нажот излаб югуришлявериб, тўрттадан келиш йиртишди. Аммо натижа бўлмади. Янгича аъаналар ҳаётиимизга тобора сингиб бораётган бир пайтда катта аҳамиятга эга бўлган жамоатчилик биносининг шу аҳволда ётиши мутлақо келишиб бўлмас ҳолдир. Ахир бу ерда меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, турли тадбирлар уюштириш мумкин. Кўп минг сонли маҳалла аҳоли эса уни тезроқ битишини кутмоқда.

Т. ТОВШЕВ.

«Оқ олтин» тараннуми

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейидаги дидиримиз ифтихори бўлган пахта ва уни етиштирувчи миришкорлар меҳнатига бағишланган кўп-лаб асарлар намойиш этилмоқда.

Музейнинг биринчи қавати-га қўйилган амалий санъат на-

муналаридан бири — ганчкорлик услубида яратилган пахта тасвирлари нафис, маҳорат билан ишланган. Бу асарни бухорлик ганчкор усталар ўймакорлик ва нақшошлик услубида бажаришган. Халқ усталари Сулаймон Хўжаевнинг олти қиррали хонтахтасида

пахта ва унинг кўсиги ўйиб ишланган. Истеъдодли ёғоч ўймакори устаси Ортиқ Файзуллоевнинг паргори услубидаги устунида эса бир қанча пахта чаноқлари тасвирланган. Нақшо усталар Жалил Ҳакимов, Олимжон Қосимжонов, Тоир Тўхтажўаев кабилар ҳам санъат буюмларида пахтани нақш ўрнида ишлатганлар.

Ўзбекистон тасвирий санъати залларида пахтакор меҳ-

натини мадҳ этувчи кўп-лаб асарлар қўйилган. Республика мишининг истеъдодли рассомлари Б. Ҳамдамийнинг «Ҳирмонда», А. Волковнинг «Пахта теримидан», З. Иноғомовнинг «Пахта қуритиш» ва бошқа полотноларида халқимизнинг пахтага бўлган меҳри, ўшқини меҳнати, даладаги иродаси ўз ифодасини топган.

Кекса мўйқалам соҳиблари-

дан В. Фадеев 1974 йили, Ўзбекистоннинг 50 йиллигига бағишлаб яратган йирик асариди «Биринчи пахта советларга» полотносида халқимизнинг улкан хирмон бунёд этиш учун қураши акс этирилган.

Еш, умидли рассомларимиздан бири Алишер Мирзаевнинг «Қизил қарвон» полотноси музейнинг республика ёш рассомлари бўлими заллари-

дан бирида намойиш этилаётган. Рассом қарнай-сурнай садолари остида машиналарда пахта уюмлари, пахтакорлар қувончини тантанали ёрқин рангларида тасвирляпти. Санъат музейида пахтакорлар жасорати ва «оқ олтин»ни тараннум этувчи санъат асарлари томошабинларга домин завқ бермоқда.

М. АҲМЕДОВ.

Келинг, бир қулишайлик

ХАНДАЛАР

ЯРИМ КЕЧАДА

Маст киши ярим кечада уйига келиб, эшигини тақилляпти. Хотини эшикни очган, ойида баъур турган эрини кўриб унга ўшқирди: — Ярим кечагача қарда ярдимиз!

— Ростини айтсам, мен ич-

киликбозликка қарши кураш жамиятида ичкиликнинг зарари ҳақида маъруза эшитишга боргандим, қўрғун эндигина тугаса бўладими!

ДАВОЛОВЧИ ВРАЧ

Қишлоқдан келган бир йигит вафот этган отасини дафн этиш учун рухсатнома сўраб соғлиқни сақлаш бўлимига му-

рожаат қилди. Бўлим ҳодими керакли маълумотларни бланкга ёзайтиб сўради: — Отангизни даволаган врач киши эди!

— Даволовчи врач йўқ эди. Хизматчи аяқабилан, газаб билан бақирди:

— Даволовчи врачсиз ўлиш мумкиними!

Арабчадан

Қудратилла ТОШМЕТОВ таржимаси.

ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Халқ сайлига марҳамат

Пойтахтимизнинг навқирон районларидан бири Киров райони 50 ёшга тўлди.

Эртага 20 сентябрда Киров райони ташкил топганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Халқ ҳўқалиги ютуқлари виставкаси ва унинг дам олиш зонасида халқ сайли ўтказилади. Эрта тонгдонқ кўргазма арки олдида қарнай-сурнай садолари янграйди. Район меҳнаткашлари сайл қилиш мақсадида марҳамат қилишляпти.

Шу кунин павильон экспозициялари, дам олиш зонасидаги аттракционлар, қайиқлар, болалар майдончалари дам олиувчилар ихтирида бўлади. Кўргазманинг 72 гектар майдони бўйлаб турли хил миллий таомлар, кийим-кечаклар савдоси ташкил этилади.

Соат 15.00 да «Оқсоқоллар» чойхонасида сатир ва юмор кечаси бошланади.

Кўргазманинг марказий хибониде «Мен Совет Иттифоқининг гражданими» тематикиси остида кеча уюштирилади.


Соат 17.00 да кўргазманинг марказий хибонини комсомол ёшлар, мактаб ўқувчилари билан тавжум бўлади. «Комсомол—меннинг тақдирим» номли тематик кечада ёшларга комсомол билетлари тантанали топширилади. Кинолек-

торийда Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг модельлари «Дружба» эстрада коллективи билан ҳамкорликда «Ўзбекистон модели» намойишини ўтказишляпти.

Соат 19 дан бошлаб кўргазмага кириш аркалари олдида «Район юбилейи умум-халқ байрами», «Октябрь кўчи билан туғилган меҳнат ва санъат бирлиги» тематикиси остида ўзбек халқ чолғу ансамбллари ҳамда музикали спорт уйинларининг асосий концерт программаси бошланади.

Район юбилейи тантаналари факатгина кўргазма территориясида эмас, балки бутун шаҳримиз бўйлаб давом этади. Эрта тонгдонқ Юнусобод массивидаги бозорда ярмарка очилади. Ана шу массивдаги «Универсам» магазинида «Эр-тоқ» кондитер фабрикаси махсулотлари кўрғини ва савдоси ўтказилади. М. Турғунов ва номиди кўчада яшовчилар «Баҳор» давлат ракс ансамбли катнашчилари билан учрашадилар.

Қ. ЭРДОНОВ.



Шаҳримизнинг энг баҳаво истироҳат боғларидан бири — Ленин комсомолли номли маданият ва истироҳат боғидаги зумрад қўлда олувчиларга роҳат бағишляпти. СУРАТДА: қўлда сайр пайти.

В. Таматаев фотоси.

Саёҳат завқи

Турист сўқмоқлари саёҳат ишқибозларини ям-яшил ўрмонлар, бепоев қўллар, осмонўпар тоғлар ва гаройиб горларга чорляпти. Тошкент область туризм ва экскursionлар совети жаҳон туризм кўнига бағишлаб дам олиувчиларга завқ бахш этиш мақсадида бир қатор тадбирлар белгилляпти.

21 сентябрда темир йўл электрчкиси саёҳат ишқибозларини Хўжаевга олиб боради. У ерда шай туредиган тахрибали инструкторлар бошчилигида Булоқ сувининг манзарали дарасига саёҳат ўтказилади. Саёҳат ишқибозлари оилелари билан эралаб соат 9.00 да темир йўл вокзалининг шаҳар атрофида қатновчи поездлар кассаси олдида тўпнадиладар.

21 сентябрь эралаб соат 8.00 да Ленин номли май-

дон атрофида (Гагарин номидаги боқча қираверишда) Тошкент области йўллари бўйлаб бир куллик велосипед пойсаз қатнашчилари йнгиллявди. Велосипед спорти ҳаваскорлари бу мусобақага таъкид этилади.

22 сентябрь соат 19.00 да Биликлар уйида «Табият ва инсон» кечаси ўтказилади. Ҳаваскор туристлар ўзлари ўтказган мароқли саёҳатлари ҳақида ҳикоя қилиб берадилар.

«Уйғонган Шарқ»

Фрунзе райони ташкил топганлигининг ярим асрлик юбилейи муносабати билан турли хил тадбирлар ўтказилякда.

20 сентябрь соат 18 да тўқимачилик комбинатининг «Текстильчи» стадиони рай-он меҳнаткашларининг вакилларини ўз бағрига олади. Бу ерда турли корхоналар ва ташкилотларнинг спортчилари, маданият ҳодимлари, студентлар иштирокида районнинг тараккиятга бағишланган бадий спорт байрами ўтказилади.

Бадий спорт байрами давомиде бўладиган барча тадбирлар районнинг ярим асрлик тарихини акс эттиради. Бундан ташқари районнинг Бошлиқ массиви, тўқимачилар маданият саройи, Абдуллаев массиви, Марказий бозор олдидаги эртаклар шаҳарчасида ҳам халқ сайллари ўтказилади.

Қутлов маросими

Чилонзордаги Ўзбекистон комсомолли 40 йиллиги маданият ва истироҳат боғи 20 сентябрь кўни соат 18 да минглаб дам олиувчиларни ўз бағрига чорляпти. Бу ерда «Янги урф-одатлар—меҳнаткашлар турмушига» деган маданият тадбир ўтказилади.

Чилонзорнинг Дўнбиробод массивида истиқомат қилувчи Тоҳир ака ва Шайра она Зокировлар тотувлик билан оила қуришганига 50 йил бўлди. Уларнинг ярим асрлик ниҳоят тўли манса шу боғда нишонланади.

Томошабин буюртмаси

Шаҳримиздаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» кинотеатри томошабинларга яна бир қўлайлик яратди. Бу ерда биринчи навбаста Успенский номидеги республика ўрта махсус музика мактаб-интернати ўқитувчилари учун буюртма асосида фильмлар кўрсатиш бошланди.

Кинотеатрда «Куз сонати», «Чинқан оркестри», «Кармен», «Травята» ва бош-

қа кертиналар бор. Бундан ташқари бадий фильмлар кўрсатишдан олдин «Евгений Вахтангов», «Рус балетининг жозибаси», «Жақонда қанотлар», «Рассом Николай Рерих» ҳужжатли кертиналари ҳам томошабинлар диққатига ҳавола қилинмоқда.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

телепрограммалар

22 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «ВРЕМЯ».
9.30 Футбол шарҳи.
10.20 «Таннингиз, ёш кинематографчилар», «Мосфильм» киностудияси экспериментал ёшлар ижодий уюшмасининг кичика метражли бадий фильмлари:
«Хазилмил», «Ташриф».
11.35 Янгилликлар.
* * *

23 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «ВРЕМЯ».
9.45 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи. Г. Каспаров — А. Карпов.
10.00 «Горничлар, қаердасиз!», 10.30 Ж. П. Венцель. «Куз шамолли». Телеспектакль.
11.45 Янгилликлар.
* * *

15.00 Янгилликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи».

24 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «ВРЕМЯ».
9.45 В. Гаврилин. Тўрт қўллаб фортепьянода чалиш учун лавҳалар.
10.10 «Савҳатчилар клуби».
10.10 Янгилликлар.
15.00 Янгилликлар.
15.20 «Мактаб, завод, оила».
Хужжатли фильмлар:
«Ислохот шоширлиги» (Киев), «Шимолий Кутб ва экватор»

25 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «ВРЕМЯ».
9.45 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.
10.00 Грузин халқ рақслари. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
10.35 «Мўжизасиз-мўжизалар».
11.35 Концерт залида — мактаб ўқувчилари.
12.25 Янгилликлар.
* * *

15.00 Янгилликлар.
15.20 «КАДРОН УТМИШ».
Хужжатли фильмлар:

26 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «ВРЕМЯ».
9.45 Телевизион хужжатли фильм.
10.15 «Дунё ва ёшлар».
10.50 «Оқ орол сири». Мультфильм.
11.20 Янгилликлар.
* * *

15.00 Янгилликлар.
15.20 Мамлакат телевидение студияларининг хужжатли фильмлари:
«Медальнинг орқа томони» (Тошкент),
«Дауғава калитлари» (Рига),
«Ягона сафда» (Оржоникидзе).
16.20 Музика институти халқ

27 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «ВРЕМЯ».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.
9.55 «Шахсий масаллар бўйича қабул». Хужжатли фильм («ЛСДФ»).

10.15 «АБВДейка».
10.45 Халқ ижодиёти II Бутуниттифок фестивали. «Фестиваль поэзиялари».
11.15 «Инсон. Ер. Коинот».
12.00 «Хайвонот оламида».
13.00 «Шанба — ота-оналар кун».
14.00 Мультфильм.
14.15 Пропагандистлар кунига

28 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «ВРЕМЯ».
9.40 Ритмик гимнастика.
10.10 «Спортлото»нинг 39-тиражи.
10.20 «Будиллик».
10.50 «Совет Иттифоқида хизмат қилмади».
11.50 «Тонгги почта» музикали кўрсатув.
12.20 «Савҳатчилар клуби».
13.20 «Музикали киоск».
13.50 «Қишлоқ янгилликлари».
14.50 «Бугун — Машинасозлар кун».
15.05 «Сизга манзур адабиётлари».
15.50 «Ҳозир талаб этилади». Те

15.00 Янгилликлар.
15.20 «Қишлоқ истикболлари»: «Заминга муҳаббат билан». Телевизион хужжатли фильм (Фрунзе).
«Қишлоқ ҳўжалиги». Киножурнал.
15.55 «Онамларнинг мактаби».
16.30 «Горничлар, қаердасиз!».
17.00 «Вьетнам бўйлаб». Киноочерк.
17.20 «Дастхат». Юкори синф ўқувчилари учун адабий антология.
18.35 «Уз хоҳишига кўра». Ичкиликбозликнинг зарари ҳақида хужжатли фильм («Свердловск киностудияси»).

қин. Хужжатли фильмлар: «Тўғри вариант» («Леннаучфильм»), «Давр суръатларида ҳам оҳанг» (Тошкент), «Магнит суноқликлар» (Свердловск киностудияси).
16.05 Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист Е. Карчаров раҳбарлигидаги ду дукчилар квартети чалади. Боқудан олиб кўрсатилади.
16.25 «УЗ ЕШЛИГИНИНГ АСИРИ». Телевизион хужжатли фильм премьераси (Ленинград).
17.00 «Нега ва нима учун». Болалар учун кўрсатув.
17.30 «Д. Д. Шостакович. 147-асер, охиригиси». Фильм-

оралигида» (Шимолий Кавказ киностудияси).
16.05 Болалар учун фильм. «Шимолий дайдилик» («Киевнаучфильм»).

17.25 «Муҳбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.55 Концерт залида — мактаб ўқувчилари.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Олтин жўжа». Мультфильм.
19.40 «Дунё ва ёшлар».
20.15 «Оталар ва болалар».
Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

«Флотга қўмондонлик қилган. Шимид».
«Мен урушга зарба беряман».
15.55 «Ерда, самодя ва денгизда».
16.25 «Мазовше» ансамблининг концерти (ПНР).
16.50 «Биргаликда ўйлайлик».
10-«А» билан ошқора суҳбат.
17.45 Волейбол бўйича жаҳон чемпионати. Эркеклар. АҚШ — Япония терма командалари. Франциядан олиб кўрсатилади.
18.30 «Узаро ҳамжиҳатлик». Социалистик мамлакатларнинг ишлаб чиқариши автоматлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик проблемалари

чолгулари оркестрининг чиқиши. Донецкдан олиб кўрсатилади.
16.45 «Рус тили».
17.15 «Тоғлар таронаси». Еривандан олиб кўрсатилади.
17.35 «Асрлар уршуви». Телевизион хужжатли фильм («Экран»).

18.10 Волейбол бўйича жаҳон чемпионати. Эркеклар. Польша — СССР терма командалари. Франциядан олиб кўрсатилади.
18.55 «Ўйлабди говлар». Ичкиликбозликнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм («Центрнаучфильм»).

19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Муаммолар — изланишлар — ечимлар».
20.20 «Оталар ва болалар».
Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.
21.30 «ВРЕМЯ».

бағишланган концерт.
15.15 «Дунё воқеалари».
15.30 «Хамма учун ва ҳар бир киши учун». Қандай қилиб уй қуриш мумкин?
16.00 «АФГОНИСТОН: ИСЛОМ ДИНИ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ ВА ЕЛҒОН». Телевизион хужжатли фильм премьераси («Экран»).

17.00 Кинофилм.
18.00 Кишк вақтга ўтиш ҳақида.
18.15 СССР Давлат Фильмофондининг тўпламларидан. «Яван Грозий». Бадий фильм. 1-серия (Олмаота студияси), 2-серия («Мосфильм»).

21.30 «ВРЕМЯ».
22.05 «Шанба оқшомидан». «Талабларингизга биноан». Эстрада музикали программа-си.

летомошобинларнинг хатларига жавоблар.
16.45 Хитой Халқ Республикаси цирки артистларининг чиқиши.
18.05 «Бизнинг уй». Тележурнал.
18.35 «Халқаро панорама».
19.20 Мультфильмлар:
«Уч ўтинчи».
«Спортландия».
19.50 «Кинопанорама».
21.30 «ВРЕМЯ».
22.05 Оперетта шинавандаларига.
23.00 «Уз даврининг қиссаларига кўра». Телевизион хужжатли фильм.
24.00 Янгилликлар.
● МТ II

9.00 «Зарядкада сафланинг».
9.20 «Ҳуз тили».
9.50 Р. Шуман. 2-симфония. До

мажор.
10.30 УКРАИНА ТЕЛЕВИДЕНИСИНинг ПРОГРАММАСИ.
11.30 Муҳбирларимиз ҳикоя қиладилар.
12.00 «Қайтмиш нуктаси». Ичкиликбозлик ва алкогольизмга қарши кураш ҳақида.
13.00 «Яне бир бор севги ҳақида». Бадий фильм («Мосфильм»).

14.35 «Халқон музика маданияти казисасидан». С. И. Танеев. «Ювони Дамаскина». А. Толстой шериға хор ва оркестр ижросида кантата. 1-асер.
15.10 Реклама.
15.15 «Тео Адам таклиф этади». ГДР телевиденисининг концерт программаси.
16.05 «Терговни билмидонлар

олиб боради». Телеспектакль. 2-серия.
17.35 Моско. Консерваториянинг катта зали. Е. Кисин концертларида.
19.30 «Мўжизасиз-мўжизалар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Ау, амаки».
Мультфильм. 2-қисм.
20.45 «Дунё ва ёшлар».
21.20 «Савҳатчи, савҳатчи». Илмий-оммабоп фильм («Леннаучфильм»).

21.30 «ВРЕМЯ».
22.05 «Гаройиб катталар». Телевизион бадий фильм («Ленфильм»).

23.25 СССР халқлари IX Езги спартакиадаси. Синхрон сузиш.
● УЗТВ I

7.25 Ритмик гимнастика.

20.50 Ритмик гимнастика. 7-қўрсатув.

21.30 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.

● МТ II

18.30 Янгилликлар.

18.45 «Хамма учун ва ҳар бир киши учун». Ҳосилни қандай асраб қолиш мумкин? Озарбайжондан репортаж.

19.15 Д. Бортнянский. Концерт симфонияси.

19.35 «Нотўғри тушунчага қарши далиллар». Совет ва чет эл журналистларининг давра суҳбати.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Кинотобаси бор Мишкя».

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Телевидение фонди-

дан». Ёзувчи Фёдор Абромов билан учрашувлар.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.
● МТ II

18.30 Янгилликлар.

18.45 «Хамма учун ва ҳар бир киши учун». Ҳосилни қандай асраб қолиш мумкин? Озарбайжондан репортаж.

19.15 Д. Бортнянский. Концерт симфонияси.

19.35 «Нотўғри тушунчага қарши далиллар». Совет ва чет эл журналистларининг давра суҳбати.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Кинотобаси бор Мишкя».

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Телевидение фонди-

дан». Ёзувчи Фёдор Абромов билан учрашувлар.

23.05 «Дунё воқеалари».

23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.

● МТ II

18.30 Янгилликлар.

18.45 «Хамма учун ва ҳар бир киши учун». Ҳосилни қандай асраб қолиш мумкин? Озарбайжондан репортаж.

19.15 Д. Бортнянский. Концерт симфонияси.

19.35 «Нотўғри тушунчага қарши далиллар». Совет ва чет эл журналистларининг давра суҳбати.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Кинотобаси бор Мишкя».

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Телевидение фонди-

дан». Ёзувчи Фёдор Абромов билан учрашувлар.

23.05 «Дунё воқеалари».

23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.

● МТ II

18.30 Янгилликлар.

18.45 «Хамма учун ва ҳар бир киши учун». Ҳосилни қандай асраб қолиш мумкин? Озарбайжондан репортаж.

19.15 Д. Бортнянский. Концерт симфонияси.

19.35 «Нотўғри тушунчага қарши далиллар». Совет ва чет эл журналистларининг давра суҳбати.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Кинотобаси бор Мишкя».

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Телевидение фонди-

дан». Ёзувчи Фёдор Абромов билан учрашувлар.

23.05 «Дунё воқеалари».

23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.

● МТ II

18.30 Янгилликлар.

18.45 «Хамма учун ва ҳар бир киши учун». Ҳосилни қандай асраб қолиш мумкин? Озарбайжондан репортаж.

19.15 Д. Бортнянский. Концерт симфонияси.

19.35 «Нотўғри тушунчага қарши далиллар». Совет ва чет эл журналистларининг давра суҳбати.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Кинотобаси бор Мишкя».

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Телевидение фонди-

дан». Ёзувчи Фёдор Абромов билан учрашувлар.

23.05 «Дунё воқеалари».

23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.

● МТ II

18.30 Янгилликлар.

18.45 «Хамма учун ва ҳар бир киши учун». Ҳосилни қандай асраб қолиш мумкин? Озарбайжондан репортаж.

19.15 Д. Бортнянский. Концерт симфонияси.

19.35 «Нотўғри тушунчага қарши далиллар». Совет ва чет эл журналистларининг давра суҳбати.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Кинотобаси бор Мишкя».

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Телевидение фонди-

дан». Ёзувчи Фёдор Абромов билан учрашувлар.

23.05 «Дунё воқеалари».

23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.

● МТ II

18.30 Янгилликлар.

18.45 «Хамма учун ва ҳар бир киши учун». Ҳосилни қандай асраб қолиш мумкин? Озарбайжондан репортаж.

19.15 Д. Бортнянский. Концерт симфонияси.

19.35 «Нотўғри тушунчага қарши далиллар». Совет ва чет эл журналистларининг давра суҳбати.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Кинотобаси бор Мишкя».

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Телевидение фонди-

дан». Ёзувчи Фёдор Абромов билан учрашувлар.

23.05 «Дунё воқеалари».

23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.

● МТ II

18.30 Янгилликлар.

18.45 «Хамма учун ва ҳар бир киши учун». Ҳосилни қандай асраб қолиш мумкин? Озарбайжондан репортаж.

19.15 Д. Бортнянский. Концерт симфонияси.

19.35 «Нотўғри тушунчага қарши далиллар». Совет ва чет эл журналистларининг давра суҳбати.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Кинотобаси бор Мишкя».

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Телевидение фонди-

дан». Ёзувчи Фёдор Абромов билан учрашувлар.

23.05 «Дунё воқеалари».

23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.

● МТ II

18.30 Янгилликлар.

18.45 «Хамма учун ва ҳар бир киши учун». Ҳосилни қандай асраб қолиш мумкин? Озарбайжондан репортаж.

19.15 Д. Бортнянский. Концерт симфонияси.

19.35 «Нотўғри тушунчага қарши далиллар». Совет ва чет эл журналистларининг давра суҳбати.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Кинотобаси бор Мишкя».

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Телевидение фонди-

лаш техникаси асослари. 9-синф. Информатика фани нимаин ўрганади?
17.05 «Қўриқ салобати». Хужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).

17.30 Рус адабиёти. 10-синф. Горький ва Ўзбекистон.

18.00 Янгилликлар.

18.10 Болалар учун фильм. «Димканинг жаҳли чикди».

18.20 Ёзувчилар — болаларга. А. П. Чехов.

19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Едимизда ва қалбимизда ҳаммаша...».

19.30 «АХБОРОТ».

19.45 Усмон Носир ижоди.

20.50 Ритмик гимнастика.

21.20 Хужжатли фильм премьераси.

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 Тарихий фильмлар экран. «Хон Аспарух» (Болгария), 1-серия.

23.25 «Делегатскадаги музей». Рус шишаси.

● УЗТВ I

7.25 Ритмик гимнастика.

7.50 «Салом, кичкинтойлар!».

8.00 «Пioneer телетайп».

8.10 «Марш». Телефильм.

8.20 «Тонгги тароналар».

8.30 «АХБОРОТ».

8.50 Ленинград шаҳри ҳақида телефильм.

● УЗТВ I

8.50 «Уй томон олиб борадиган суқмоқ». Телефильм.

● УЗТВ I

16.30 Кўрсатувлар программа-си.

16.35 Эстетика асослари. Эстетика фани.

17.05 «Пioneer телетайп» (такрорий).

17.15 «Мўжиза анор». Хужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).

17.30 Адабиёт. Ҳ